Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 7 ноябрь, № 228 (8851) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Бишкек шаҳрида бўлди.





Президент Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шериклик-нинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувлардан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мураккаб тус олганини алоҳида таъкидлади. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучаймоқда, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайиб, турли хавф-хатарлар янада ортмоқда.

Бу муаммолар савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги қўшма режа ва катта лойиҳаларга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввалambор, гўзал Бишкек шаҳрида саммитимиз юксак даражада ташкил этилгани ва кўрсатилаётган анъанавий меҳмондўстлик учун Қирғиз Республикаси Президенти ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сўнгги йилларда Қирғизистонда барча соҳаларда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар ва туб ўзгаришларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун тадбиримиз ўтаётган ушбу муҳташам мажмуа ҳам бу сўзларимизнинг яққол далилидир.

Мамлакатда сиёсий-ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани, замонавий саноат ва инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, давлатнинг халқаро обрўси ва нуфузи ошаётгани яқин қардош сифатида бизни чексиз қувонтиради.

Қирғиз томонининг Ташкилотимизда иқтисодий интеграция, умумий тараққиёт, рақамли келажак ва хавфсизлик йўналишларида шерикликни асосий мақсад этиб белгилаган раислиги даври муваффақиятли ўтишига тилакдошман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Токаевни ҳам тузилмамизда “Туркий давр!” шиори остида ўтган самарали раислиги билан чин дилдан табриклайман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Минг афсуски, Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувларимиздан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мураккаб тус олди. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучаймоқда, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайиб, турли хавф-хатарлар янада ортмоқда.

Албатта, буларнинг салбий таъсири ва оқибатларини давлатларимиз ҳар томонлама сезиб турибди. Бу муаммолар савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги қўшма режа ва катта лойиҳаларимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда, десам, бу — айни ҳақиқатдир.

Ташкилотимиз доирасида сиёсий ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, умумий манфаатларимиздан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позициямизни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда гап, энг аввало, Яқин Шарқда давом этаётган адолатсиз уруш ва кузатилаётган икки ёқлама стандартлар ҳақида бормоқда. Газо сектори ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани, тинч аҳолига қарши вайронкор ҳужумларни, айниқса, бегуноҳ болалар, кексалар ва аёллар қурбон бўлаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин қочоқларига ёрдам бериш бўйича махсус агентлиги фаолиятини чеклашга қаратилган ҳаракатларни ҳам кескин қоралаймиз.

Мазкур кўп йиллик низонинг ягона ечими — халқаро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ, 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини тузишдир.

Кейинги ҳафта Ар-Риёд шаҳрида ўтадиган араб-мусулмон давлатлари саммитида бу муаммога аниқ сиёсий ечим топилишига умид қиламиз.

Хавфсизлик ҳақида тўхталганда, Афғонистон масаласи Ташкилотимиз доирасида доимо диққатимиз марказида бўлиши лозим. Бу борада вазирлар ва экспертлар даражасидаги мунтазам мулоқот механизмини йўлга қўйиш муҳимдир.

Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб этиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш масалалари албатта кўриб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Бугун Ташкилотимизнинг тарихий ҳужжати — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Аминманки, биз шу асосда Туркий дунёни янада жипслаштириш, унинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларимизни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга эришамиз.

Саммитимиз кун тартибидан келиб чиқиб, бир қатор устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, давлатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражасидан келиб чиқиб, Ташкилотимизнинг асосий шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Биз Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиги тўғрисидаги шартномани қабул қилишни таклиф этамиз. Ўйлайманки, ушбу кенг қамровли ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши тузилмамиз фаолиятини янада юксак сиёсий поғонага кўтаради.

Иккинчидан, Ташкилотимиз доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш бўйича ниятимиз қатъийдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлатларимизнинг ташқи товар айланмасида ўзаро савдомиз улуши анча паст даражада қолмоқда. Импортимизнинг салмоқли қисми учинчи давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада вазиятни кескин ўзгартириш вақти келди.

Энг аввало, тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, савдо-божхона тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, электрон тижорат платформаларини ривожлантириш бўйича аниқ битим ва келишувлар ишлаб чиқиш лозим.

Савдо соҳасидаги салоҳиятимизни кенгайтиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун яқин истиқболда Тошкентда етакчи миллий таҳлил марказларимизнинг анжуманини ўтказиш айни муддао бўлар эди.

Келгуси йил учун иқтисодий форум, савдо ва саноат кўргазмалари, минтақа ва вилоятларимизнинг ўзаро ташриф режаларини, давлат харидларида иштирок этиш, кооперация ва локализация қўшма дастурини қабул қилишимиз керак. Бу устувор вазифаларни мамлакатларимизнинг Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юкласак, албатта натижаси тезда кўринади.

Учинчидан, бугунги оғир глобал иқтисодий шароитда энг долзарб муаммо — бу инвестиция жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.Т.МИРЗАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Зойир Тоирович Мирзаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.К.ЗАРИПОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ботир Комилович Зарипов** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Б.УМУРЗАКОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Буранович Умурзаков** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Х.Х.БОЗАРОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Хайрулло Хайитбаевич Бозаров** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.Б.АЗИМОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Муротжон Бердиалиевич Азимов** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 7 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаҳон молия бозорида капиталга бўлган талаб ва унинг нархи тобора ошиб бормоқда. Ривожланаётган давлатлар учун узоқ муддатли ва “яшил” кредитлар ажратиш шартлари қийинлашмоқда.

Биз Ташкилотимиз доирасида молиявий инструментларни жорий этишга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Туркий инвестиция жамғармаси ишини фаоллаштириш, бизнинг ташаббусимиз бўлган Туркий ривожланиш банкини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва чет эл инвестиция компанияларини кенг жалб этиш ҳам долзарб вазифадир. Бу борада Туркий инвестиция форумини ташкил этишни таклиф қиламиз ва унинг илк тадбирини Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Тўртинчидан, яна бир устувор масала — бу транспорт коридорларидан самарали фойдаланишдир.

Ўрта коридор бўйлаб транзит тарифларини мақбуллаштириш, чегаралардан ўтиш жараёнларини соддалаштириш, замонавий логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш умумий манфаатларимизга тўла жавоб беради.

Ташкилотимиз доирасидаги ташувларда электрон ҳужжатлар айланмасига ўтиш ва уларни ўзаро тан олиш бўйича кўп томонлама битимни имзолашга чақирамиз.

Бундай долзарб масалаларни бизнес вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилиш мақсадида Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянси билан ҳамкорликда Халқаро логистика конференциясини ўтказишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз.

Мазкур концепция мамлакатларимизда тўпланган илғор тажриба ва IT соҳасидаги ютуқларни ўзаро алмашиш, инновация, инфратузилма ва илм-фан бўйича рақамли тизимларни, йирик дата-марказларини яратишга хизмат қилади.

Олтинчидан, келгуси ҳафта Бокуда “COP-29” глобал саммити ўз ишини бошлаши билан Озарбайжон Президенти, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни яна бир бор самимий табриклаб, катта омадлар тилайман.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир экологик муаммоларга ечимлар топиш мақсадида вазирлар даражасидаги Туркий экологик кенгашни тезроқ тузиш зарурлигини таъкидлаб, унинг биринчи учрашувини келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларимизни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида нашр этсак, мазур иш бўлар эди.

Бу борада “Туркий мамлакатлар тарихи” каби фундаментал тадқиқотларни биргаликда яратиш долзарб вазифамиздир. Шу билан бирга, туркий тиллардан бевосита таржима қилишни рағбатлантириш, мактабларимизда туркий халқлар ва уларнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати ҳақида факультатив дарсларни йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Туркий маданият ва мерос жамғармасига тўлақонли аъзо бўлишга тайёрлигини билдираман.

Қадрли дўстлар!

Бугун “Туркий дунё Олий ордени” билан мукофотланаётган Венгрия Бош вазири ҳурматли Виктор Орбан жанобларини қизғин табриклайман.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорлигимиз шиддат билан ўзгараётган дунёда ўз позицияларимизни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, алоқаларимизни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Аминманки, бугунги саммитимиз натижалари Туркий цивилизацияни юксалтириш борасидаги улкан режаларимизга муносиб ҳисса қўшади.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, сиёсат ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позицияни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бу ўринда гап, энг аввало, Яқин Шарқда давом этаётган адолатсиз уруш ва кузатилаётган икки ёқлама стандартлар ҳақида бормоқда. Газо сектори ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиа, тинч аҳолига қарши вайронкор ҳужумлар, айниқса, бегуноҳ болалар, кексалар ва аёллар қурбон бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин қочоқларига ёрдам бериш бўйича махсус агентлиги фаолиятини чеклашга қаратилган ҳаракатлар қораланди.

Мазкур кўп йиллик низонинг ягона ечими — халқаро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини тузиш экани таъкидланди.

Кейинги ҳафта Ар-Риёд шаҳрида ўтадиган араб-мусулмон давлатлари саммитида бу муаммога конструктив сиёсий ечим топилишига умид билдирилди.

Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада вазирлар ва экспертлар даражасидаги мунтазам мулоқот механизмини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб этиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш масалалари албатта кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тарихий ҳужжат — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Саммит кун тартибидан келиб чиқиб, Ўзбекистон етакчиси бир қатор устувор масалаларга тўхталиб ўтди.

Аввало, давлатимиз раҳбари ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Шу маънода, Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, ташкилот доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, савдо-божхона тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, электрон тижорат платформаларини ривожлантириш бўйича аниқ битим ва келишувларни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Шу муносабат билан савдо соҳасидаги салоҳиятни кенгайтиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун яқин истиқболда Тошкентда етакчи таҳлил марказларининг анжуманини ўтказиш таклиф қилинди.

Келгуси йил учун иқтисодий форум, савдо ва саноат кўргазмалари, минтақа ва вилоятларнинг ўзаро ташриф режаларини, давлат харидларида иштирок этиш, кооперация ва локализация қўшма дастурини қабул қилиш кераклиги таъкидланди.

Жаҳон молия бозорида капиталга бўлган талаб ва унинг қиймати ортиб бормоқда, ривожланаётган давлатларга узоқ муддатли ва «яшил» кредитлар ажратиш шартлари мураккаблашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, молиявий инструментларни жорий этиш, Туркий инвестиция жамғармаси фаолиятини фаоллаштириш ва Туркий ривожланиш банкини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва хорижий инвестиция компанияларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Туркий инвестиция форумини ташкил этиш ва унинг биринчи йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

Транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, Ўрта йўлак бўйича транзит тарифларини мақбуллаштириш, чегараларни кесиб ўтиш жараёнларини соддалаштириш, замонавий логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш яна бир устувор масала сифатида белгиланди.

Ташкилот доирасида ташишларда электрон ҳужжат айланишига ўтиш ва уларни ўзаро тан олиш бўйича кўп томонлама битимни имзолаш ташаббуси илгари сурилди.

Ушбу масалаларни бизнес вакиллари иштирокида батафсил муҳокама қилиш мақсадида Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилар альянси билан ҳамкорликда Халқаро логистика конференциясини ўтказиш долзарблиги қайд этилди.

Бу галги саммит мавзусини қўллаб-қувватлаш мақсадида келажак иқтисодиётини кенг жорий этиш, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида илғор тажриба ва ютуқларни алмашиш, инновациялар, инфратузилма ва илм-фаннинг рақамли тизимларини, йирик маълумотлар марказларини яратишга қаратилган «Рақамли туркий дунё» концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон етакчиси Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевни келгуси ҳафтада Боку шаҳрида “COP-29” глобал саммити иш бошлаши билан самимий қутлаб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир экологик муаммоларга ечим топиш учун вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тез фурсатда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади ҳамда унинг биринчи учрашувини келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлигини тасдиқлади.

Қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, ёшларни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида ташкилотга аъзо мамлакатлар тилларида туркий халқлар оғзаки ижодининг кўп жилдлик тўпламини нашр этиш, биргаликда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, мактабларда туркий халқлар ва уларнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати бўйича факультатив дарсларни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, Ўзбекистон Туркий маданият ва мерос жамғармасининг тўлақонли аъзоси бўлишга тайёрлиги билдирилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Венгрия Бош вазири Виктор Орбанни “Туркий дунё Олий ордени”га сазовор бўлгани билан самимий табриклади.

Саммит якунида Бишкек декларацияси, мамлакатимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Туркий дунё хартияси, шунингдек, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор келишувлар қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзига ажратилган қароргоҳда Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижалари алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва саноат кооперацияси кўлами ортиб бормоқда, Тошкент вилоятида индустриал парк ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Октябрь ойида Қўқон шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми ўтказилди. Бу ойда Будапешт шаҳрида муҳим қўшма маданий тадбирлар бўлиб ўтади.

Давлат раҳбарлари икки томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Етакчи компанияларнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича янги лойиҳалар портфелини шакллантириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.

Сарҳисоб

Олий Мажлис Сенати:

ҳудудлар манфаатларига мос қонунларни қабул қилиш фаолиятимиз мезони

Ўтган беш йилда қонунчилик тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ва ҳудудлар манфаатларига мос қонунларни қабул қилиш Олий Мажлис Сенати фаолиятида муҳим йўналишга айланди.

Буни рақамлар мисолида кўрадиган бўлсак, 2020 — 2024 йилларда бўлиб ўтган 59 та ялпи мажлисда 438 та қонун муҳокамадан ўтказилди.

Шунингдек, 20 та қонун улардаги айрим нормалар инсон ҳуқуқлари ва ҳудудлар манфаатларига тўлиқ жавоб бермагани сабабли парламент юқори палатаси томонидан рад этилди.

Таққослайдиган бўлсак, 2015 — 2019 йилларда Сенат томонидан 25 та ялпи мажлис ўтказилган ҳамда уларда 226 та қонун муҳокама қилинган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра Сенат қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида киритиши қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим янгиликлардан бири бўлди. Бу эса парламент юқори палатаси фаолиятини аҳолининг қонуний талабларини инобатга олган ҳолда янада самарали ташкил этиш имконини берди.

Маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда 50 дан ортиқ қонунларга тўлиқ асосланган таклифлар ишлаб чиқилди ва Ҳукуматга тақдим этилди.

Қолаверса, Сенат ўз фаолиятини очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида олиб борди.

Ялпи мажлислар интернет орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Қўмиталарнинг тадбирлари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди. Бу аҳолининг қонун ижодкорлиги фаолияти ва муҳокама қилинаётган турли масалалар борасида кенгроқ тушунчага эга бўлишига имкон яратди.

Умуман, Олий Мажлис Сенати ўтган беш йилда қонун ижодкорлигини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва халқаро стандартлар талабларига мос равишда такомиллаштириш бўйича изчил фаолият олиб борди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — ТДТ:

қардош халқлар фаровонлиги ва тараққиёти йўлида

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 5-6 ноябрь кунлари Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисидаги иштироки кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришда янги имкониятлар эшигини очади. Зеро, бу галги саммитда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан юқори даражадаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу ҳақда ўз муносабатларини билдирди.

Муносабат

Замонавий йўналишларда тажриба алмашинади



Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқалар кейинги йилларда жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ушбу ташкилот билан ҳамкорлик доирасида қатор ташаббусларни илгари суриб келаётгани эътиборга молик. “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси, “Яшил энергетика сари туркий ҳаракат” концепцияси ана шулардан биридир. Масалан, “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси ташаббуси орқали ташкилотга аъзо мамлакатлар билан туризм соҳасида муҳим йўналишлар белгилаб олинган бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Замонавий “билимлар иқтисодиёти”ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блок-чейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, “тўртинчи саноат” кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳам Ўзбекистон учун устувор йўналиш ҳисобланади. Булар бўйича ҳамкорлик мамлакатимиз учун ҳам самарали ва манфаатли бўлиб келяпти.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори поғонага кўтаришга янги суръат бағишламоқда, десак, айни ҳақиқат. Хусусан, Президентимиз томонидан ТДТ саммитлари доирасида илгари сурилган муҳим ташаббуслар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, 2022-2023 йилларда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилиб, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастури асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди.

Эътиборлиси, мамлакатимизнинг ТДТда муваффақиятли раислик қилиши ҳамда мазкур ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокидаги саммитнинг самарали ташкил этилгани Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти ва кўп томонлама дипломатиясида янги саҳифа очди.

Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитда давлатимиз раҳбари томонидан амалий ташаббус ва аниқ таклифлар билдирилди. Жумладан, бугунги оғир глобал иқтисодий шароитда энг долзарб муаммо — бу инвестиция жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш масаласига урғу берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳон молия бозорида капиталга бўлган талаб ва унинг нархи тобора ошиб бормоқда. Ривожланаётган давлатлар учун эса узоқ муддатли ва “яшил” кредитлар ажратиш шартлари қийинлашмоқда.

Президентимиз ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, ташкилот доирасида молиявий инструментларни жорий этишга жиддий эътибор қаратиш кераклигини, Туркий инвестиция жамғармаси ишини фаоллаштириш, Туркий ривожланиш банкини ташкил қилиш масалаларини кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва чет эл инвестиция компанияларини кенг жалб этиш долзарб вазифа эканлигини таъкидлаб, бу борада Туркий инвестиция форумини уюштиришни ва унинг илк тадбирини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди. Бу, ўз навбатида, инвестициявий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ошишига туртки бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш ташаббуси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зотан, мазкур концепция мамлакатларимизда тўпланган илғор тажриба ва IT соҳасидаги ютуқларни ўзаро алмашишга хизмат қилади.

Саммит доирасида ташкилотнинг тарихий ҳужжати — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши, шубҳасиз, қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди, десак, янглишмаймиз. Зеро, мазкур ҳужжат Туркий дунёни янада жипслаштириш, унинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларимизни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Туркий давлатлар ташкилоти бундан кейин ҳам қардош халқларнинг умумий фаровонлиги ва равнақига хизмат қилиш йўлида фаолият олиб боради. Саммит якунида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор келишувлар қабул қилингани яқин келажакда ўзининг ижобий натижасини беради.

Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Беқарор дунёда абадий дўстлик чақириғи



Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилотининг фаолияти ҳар томонлама фаоллашди. Туркий тилли мамлакатлар ўртасида сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш борасида тизимли механизмлар ишга тушди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича ҳамкор мамлакатлар мустаҳкам позицияга эга бўлди.

Бу галги саммитда ҳам Президентимиз томонидан бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, бугун бутун жаҳонда кечаётган глобал беқарорлик ва хавф-хатар тобора ошиб бораётган бир пайтда Туркий давлатлар ўртасидаги жипсликни мустаҳкамлашга қаратилган Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши олқишланди. Бинобарин, туркий мамлакатларнинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришда ушбу ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган тарихий ҳужжатнинг имзоланиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз раҳбари ташкилотнинг асосий шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарурати юзасидан тўхталиб, бунда Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиги тўғрисидаги шартномани қабул қилиш таклифини ўртага ташлади. Зеро, ушбу кенг қамровли ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши мамлакатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилишини белгилаб беради.

Бугунги кунда туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кучли бўлишида иқтисодий масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқида “иқтисодий имкониятлар макони” деган иборани ишлатди. Иқтисодий имкониятлар макони хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жараёнлари ва иқтисодий фаолиятининг мумкин бўлган натижаларини шакллантириш учун умумий иқтисодий жараён ўртасидаги муносабатларнинг янада фаоллашувини тақозо этади. Бинобарин, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий алоқаларда ўзаро ишончнинг мустаҳкам бўлиши бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан келгуси йил учун иқтисодий форум, савдо ва саноат кўргазмалари, минтақа ҳамда вилоятларимизнинг ўзаро ташриф режалари, давлат харидларида иштирок этиш, кооперация ва локализация қўшма дастурини қабул қилиш таклифи билдирилди.

Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани ҳам эътиборга молик. Унга кўра туркий тилли мамлакатларда тўпланган илғор тажриба ва IT соҳасидаги ютуқларни ўзаро алмашиш, инновация, инфратузилма ва илм-фан бўйича рақамли тизимларни, йирик дата-марказларини яратиш имкониятлари кенгаяди. Бу борада давлатлар ўртасида интеллектуал мулкни ривожлантиришнинг янги ҳамкорлик нуқталари юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ҳар сафар юксак даражадаги минбарлардан туриб гапирганда, ёшларнинг маънавий таълим-тарбияси масаласига алоҳида урғу беради. Негаки, ёшларга эътибор кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон ўзининг бой тажрибасига эга. Юртимиз ўзининг бу борадаги тажрибасини эндиликда халқаро маконда ҳам қўллашга қодир.

Шу боис давлатимиз раҳбари қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларимизни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида нашр эттириш таклифини берди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг Туркий маданият ва мерос жамғармасига тўлақонли аъзо бўлишга тайёр эканини эълон қилди.

Илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистон ва ТДТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги самарали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш (new.birdarcha.uz) тизимида «Менинг бизнесим» янги модули жорий этилди.

Тошкентнинг ТДТга қўшган ҳиссаси ташкилотнинг ҳам халқаро майдондаги мавқеини, ҳам ички алоқаларини ривожлантиради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сиёсат ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позицияни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ливан, Газо сектори ва Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистоннинг бу борадаги аниқ қарашлари билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур саммитдаги нутқи халқаро эксперт ва таҳлил доиралари вакиллари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Акс садо

Хесус ХИЛ,
Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания шарқшунослари уюшмаси бош котиби, туркшунос:



— Ўзбекистон туркий мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияси, барқарор ривожланиши ва рақамли келажагига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, ТДТнинг стратегик кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этяпти. Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва асосий халқаро муаммолар бўйича ягона позицияни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу ТДТ мамлакатларига глобал муаммоларга янада ишончли жавоб бериш имконини яратади.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Туркий дунё хартияси мамлакатнинг ташкилотдаги етакчилик ролининг ёрқин намунасидир. Ушбу ҳужжат туркий давлатларнинг бирдамлик, янада яқин маданий-иқтисодий ҳамкорлик ва минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги муштарак интилишларини акс эттиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон савдо ва божхона тўсиқларини бартараф қилиш, савдо, транспорт ва рақамли технологияларни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, қўшма ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муҳим таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон Туркий инвестиция форумини ташкил этишга чақируви орқали халқаро сармояларни жалб қилиш ва минтақавий иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга содиқлигини намойиш қилмоқда. Бу таклифлар молия институтларини йўлга қўйиш ва транспорт йўлакларини мустаҳкамлаш ғоялари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш бўйича узоқ муддатли истиқболларини акс эттиради.

Ўзбекистон маданий даражада туркий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлайди. Бу туркий тилли мамлакатлар халқлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, билим алмашиш учун муҳим платформа яратади. Шунингдек, бу айниқса, ёшларни ўз халқларининг анъаналари ва тарихига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, расмий Тошкентнинг ТДТга қўшган ҳиссаси ташкилотнинг халқаро майдондаги мавқеини ҳам, ички алоқаларини ҳам ривожлантиради.

Далиа ОЛТУНТЕПЕ,
«Нидерландия — Ўзбекистон» дўстлик жамғармаси раиси:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида туркий халқларнинг бирлиги ва юксалиши учун зарур бўлган мақсад ҳамда аниқ йўналишлар ўз ифодасини топди.

Менинг нуқтаи назаримга кўра, Ўзбекистон етакчисининг нутқи туркий халқларнинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини таъкидлагани учун катта таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг ривожланиши қўшни давлатларга ижобий таъсир кўрсатиб, бутун Марказий Осиёда умумий тараққиётни мустаҳкамлайди.



Маданий-маърифий ташаббуслар орқали туркий халқларни бир-бирига яқинлаштириш таклифи ҳам жуда долзарб. Туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида таржима қилишни рағбатлантириш ғояси истиқболли ёндашувдир. Ҳар бир аъзо давлатнинг маданий мероси бир неча тилда мавжуд бўлиши муҳим, бу унинг бутун туркий дунёда сақланиши, очиқлиги ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг сўнгги пайтларда ўзбек тили ва адабиётини тарғиб этиш, туркий тилли минтақадаги муҳим арбоблар жадид зиёлиларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида эришган муваффақиятлари миллий ўзликни мустаҳкамлашнинг ажойиб намунасидир. Ушбу маданий лойиҳаларга сармоя киритиш орқали Ўзбекистон нафақат ўз меросини тарғиб қилмоқда, балки бутун туркий дунёда алоқаларни мустаҳкамлайдиган йўлни босиб ўтмоқда.

Холид Таймур АКРАМ,
«Умумий келажак жамияти» таҳлил маркази ижрочи директори (Покистон):

— Эксперт сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти ривожига қўшган ҳиссаси ва туркий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайман.



ТДТ саммитида Самарқанд, Остона ва Шушада бўлиб ўтган аввалги анжуманларда илгари сурилган ташаббусларни ўз ичига олган Бишкек декларациясининг қабул қилиниши унинг кўп томонлама ривожланишга содиқлигини яққол намоён этади.

Иқтисодий ривожланиш, маданий ҳамкорлик ва ижтимоий барқарорлик каби муҳим масалаларни қамраб олган ушбу таклифлар Ўзбекистоннинг туркий дунё интеграциясининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ролини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йилда Остона шаҳрида таклиф этилган Туркий дунё хартияси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат бирлик рамзига айланади ва ТДТ мамлакатлари ўртасида умумий қадриятлар ҳамда стратегик манфаатларга асосланган узоқ муддатли ҳамкорлик учун асос яратади.

Ишончим комилки, хартия иштирокчи мамлакатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда амалий восита вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари ТДТнинг стратегик кун тартибини янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Эксперт сифатида ушбу ташаббуслар Покистон учун ТДТ билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган катта имкониятлар яратаётганини кўряпман.

Байболот АБИТОВ,
Ўш давлат университети Шарқ қўлёзмалари ва мероси институти раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор:



— Саммит кун тартибидан турк дунёсини ривожлантириш, иқтисодий интеграция, барқарор тараққиётни таъминлаш, рақамли келажак ҳамда хавфсизлик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масалалари муҳокамаси ўрин олди.

Етакчилар туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ташкилот ва икки давлатнинг янада самарали ривожланишига хизмат қилади.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Глобал нотинчлик ва дунё тартиби архитектурасидаги туб ўзгаришлар шароитида халқаро ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш масалалари дунёнинг кўплаб давлатлари учун жуда долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.



Ривожланиш жараёнларининг динамикаси ва ТДТнинг ички таркиби энг табиий ва истиқболли кўринмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йилда Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитда таъкидлаганидек, “Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда”.

ТДТнинг концептуал асослари барқарор, ишончли муносабатлар ва умумий ривожланиш сари прогрессив ҳаракатни таъминлайди.

Ўзбекистоннинг туркий дунё тараққиёти ва бирдамлигидаги ўрни, энг аввало, қуйидаги сабабларга кўра қайд этилиши керак:

биринчидан, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари ТДТнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган;

иккинчидан, улар туркий дунёнинг аниқ истиқболларини белгилаб берувчи ташкилот учун аниқ мазмунни тақдим этди. Президент Шавкат Мирзиёев замонавий технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олиб, Рақамли турк дунёси концепциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди;

учинчидан, Ўзбекистон туркий дунё бирлиги билан мустаҳкамланган анъанавий қадриятлар ва маданий меросни асраб-авайлашнинг ёрқин намунасидир. Глобаллашув жараёнлари таъсирида йирик маданий катламларнинг йўқолиб бораётгани фонида Ўзбекистон Президентининг туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини ТДТга аъзо мамлакатлар тилларида нашр этиш тўғрисидаги таклифи жуда долзарб бўлди ва Бишкекдаги саммитда ўз вақтида янгради.

Бўлиб ўтган саммит ҳам Туркий давлатлар ташкилоти бирлик, барқарорлик, тараққиёт ва маданий қадриятларни асраб-авайлаш макони эканини тасдиқлайди.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистонда Европа иқтисодиёти кунларининг биринчи кунги тадбирлари бўлиб ўтди.

Европа — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси (EUROUZ) ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда маҳаллий ва хорижий экспертлар, бизнес вакиллари қатнашди.

Тантанали маросим аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирокчиларга йўллаган мурожаати Президент маслаҳатчиси Равшан Буломов томонидан ўқиб эшиттирилди. Унда биринчи маротаба ўтказилаётган ушбу тадбир Европа билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг потенциалини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, Еврокомиссия президенти Урсула фон дер Ляйен ўз видеомурожаатида Ўзбекистоннинг жаҳон савдоси ва инвестицияларидаги ўсиб бораётган ролини, мамлакатнинг стратегик, геосиёсий аҳамияти ва катта потенциалини қайд этди. У Европа Иттифоқининг ахборот технологиялари, табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини маълум қилди. Бу янги корхоналарни очиш ва иш ўринларини яратиш, транспорт, логистика йўналишларини биргаликда ривожлантириш имконини беради.

Тадбир очилишида Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Тойво Клаар ва бошқалар мамлакатлар ўртасидаги бу каби ўзаро манфаатли ва дўстона алоқалар янги имкониятлар яратиш, шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, трансчегаравий транспорт йўналишларини ривожлантириш, шунингдек, электротехника, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика ва кимё саноатлари соҳаларида янги бизнес-ғояларни ишлаб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўриляпти. Ўз навбатида, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи 30 миллиард доллардан ортиқ қийматга эга қўшма лойиҳаларни амалга ошираётгани ҳам бу ишлар кўламини янада кенгайтиради.

— Биз ҳамкорликни ривожлантириш бўйича самарали мулоқот учун платформа тақдим этишдан жуда мамнунмиз. Ўзбекистонда Европа иқтисодиёти кунлари очиқ муҳокама майдони шаклида ўтказилмоқда. Мазкур тадбир икки кун давомида иштирокчиларни 15 дан ортиқ панель сессия, дискуссия ва давра суҳбатларида ана шундай ҳамкорлик мақсадларида бирлаштиради. У ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳал этиш керак бўлган масалаларни қамраб олди. Энг муҳими, бу учрашув иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш учун энг қисқа йўлни топишга ёрдам беради, — деди Европа ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси бош котиби Ойбек Шайхов.

Тадбирда сўзга чиққан “SUEZ” компанияси бош директори Пол Бурдиллон ҳам ушбу нуфузли тадбирда иштирок этаётганидан беҳад мамнун эканини айтиб ўтди.

— Бугунги кунда сув ресурслари ва оқова сувларни бошқариш муҳим масалалардан. Бундай ишлар нафақат йирик шаҳарлар, балки минтақаларда ҳам амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бу борада узоқ муддатли ечимларни ишлаб чиқиш зарур. Мазкур жараёнларда биз иштирок этаётганимиздан фахрланамиз. Менимча, бизнинг ташкилотимиз юртингизда жуда яхши фаолият олиб боряпти. Ўзбекистонда аҳоли кўпайишини ва иқтисодий ўсишни кўриб турибмиз. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши каби муаммолар ҳам кузатиляпти. Сув ресурсларини бошқариш соҳасини алоҳида таъкидлаш лозим. Умуман, бу соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби соҳаларга бевосита боғлиқ. Ушбу масалалар Ўзбекистоннинг стратегик соҳаларини ҳам қамраб олади. Ҳукуматнинг келажак учун қўйган устувор вазифалари аниқ белгилаб берилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Биз ўзбек ҳамкорларимиз билан сув ресурсларини бошқариш салоҳиятини ошириш бўйича ишлаяпмиз. Шу билан бирга, қўшма бошқарув лойиҳаларини ҳам татбиқ этяпмиз. Бу лойиҳалар Тошкент ва унинг атрофини қамраб олади. У бир йил олдин бошланган эди. Демак, бугунги тадбир ишларимизни давом эттиришда қўл келади, — деди П. Бурдиллон.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири.

МАХТУМҚУЛИ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда Махтумқули Фироғийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар ҳамда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Адабий-маърифий кечада сўзга чиққан Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шодурди Мередов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, таниқли шоир ва таржимон Мирза



Кенжабек ҳамда бошқалар Махтумқули асарларининг аҳамияти, икки қардош халқ ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган адабий-маданий муносабатларнинг бардавомлиги хусусида атрофлича фикр юритди.

Тадбир давомида ўзбек ва туркман халқларининг ривожланиб бораётган азалий дўстлиги ва қардошлигига бағишланган саҳна кўринишлари, Махтумқули шеърлари билан айтиладиган ўзбек ҳамда туркман миллий куй-қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

Тадбирда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, ўқувчи ҳамда талабалар, ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Самарқанд шаҳрига яна 8 та электробус олиб келинди

Самарқанд Ўзбекистонда ЕТТБнинг “Яшил шаҳарлар” дастурига қўшилган биринчи шаҳардир. Лойиҳа доирасида Самарқанд шаҳар жамоат транспорти йўналишларида электробуслар ҳаракати йўлга қўйилиши белгиланган.

Қулайлик

Хабарингиз бор, 2023 йил май ойида мазкур лойиҳага асосан дастлабки электробуслар олиб келиниб, М1-сонли Темир йўл АББ — Самарқанд халқаро аэропорти йўналишида йўловчилар хизматига чиқарилган эди.

Бугун Самарқанд шаҳрига ноябрь ойида режалаштирилган 30 та электробуснинг 8 таси олиб келинди. Йил якунига қадар яна 64 та электробус келтирилиши режалаштирилган. Умумий ҳисобда — 100 та электробус.



Ҳозирда электробусни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Режадаги транспорт воситалари олиб келингач, белгиланган тартибда Самарқанд шаҳар жамоат транспорти йўналишларига бириктирилади.

«Халқ сўзи».

Фармкомпаниялар учун самарали майдон

ХХРнинг Шанхай шаҳрида 7-Хитой халқаро “China International Import Expo — 2024” кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



“Import Expo” кўргазма майдонида юздан зиёд иштирокчи давлатларнинг ҳар бирига савдо ва инвестициялар, саноат ҳамда туризм соҳаси ютуқларини намойиш қилиши учун алоҳида жой ажратилган.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хабарига кўра мазкур кўргазманинг “Made in Uzbekistan” миллий стендида фармацевтика соҳасида фаолият олиб борувчи ишлаб чиқарувчилар ўзларининг маҳсулотлари намуналари билан қатнашяпти.

Шунингдек, тадбир доирасида турли давлатлардан ташриф буюрган тадбиркорлар ўртасида “B2B” учрашувлари ҳам ташкил этилиб, улар маҳаллий фармкомпаниялар учун самарали бўлмоқда.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI

kafedralaridagi quyidagi lavozimlarga tanlov e’lon qiladi:

Farmatsevtik kimyo kafedrasi bo‘yicha: dotsent — 1, katta o‘qituvchi — 3, assistent — 5;
Toksikologik kimyo kafedrasi bo‘yicha: assistent — 3;
Dori turlari texnologiyasi kafedrasi bo‘yicha: kafedra mudiri, professor — 1, dotsent — 2, katta o‘qituvchi — 3;
Farmatsevtika ishini tashkil qilish kafedrasi bo‘yicha: kafedra mudiri, dotsent — 2, katta o‘qituvchi — 1, assistent — 3;
Dori vositalarining sanoat texnologiyasi kafedrasi bo‘yicha: professor — 1, katta o‘qituvchi — 1, assistent — 2;
Farmakognoziya kafedrasi bo‘yicha: dotsent — 1;
Tibbiy, biologik fanlar va jismoniy tarbiya kafedrasi: katta o‘qituvchi — 3, assistent —1;
Farmakologiya va klinik farmatsiya kafedrasi bo‘yicha: assistent — 3;
Biotexnologiya kafedrasi bo‘yicha: katta o‘qituvchi — 1, assistent — 2.

Tanlov O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 10-fevraldagi 20-qaroriga muvofiq “Oliy ta’lim muassasalariga pedagog xodimlarni tanlov asosida ishga qabul qilish tartibi to‘g‘risida”gi Nizom talablari, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 25-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi hukumatining ayrim qarorlariga pedagogik faoliyat samaradorligi va sifatini oshirish bilan bog‘liq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 246-qarori asosida o‘tkaziladi.

Tanlovda qatnashish uchun arizalar e’lon chop etilgan kundan boshlab 1 oy ichida qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Oybek ko‘chasi, 45-uy. Telefonlar: 71-256-37-38, 71-256-38-50.

2024 йилнинг январь — сентябрь ойларида ҳаво транспортида бир кунда ўртача 18,2 минг нафар йўловчи ташилган.

КИТОБХОН АВЛОД

ХАЛҚНИ НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАЖАК



“Бугун битта китоб ўқиган бола эртага телевизор кўриб ўтирган ўнта болани бошқариши мумкин”. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замирида халқимиз келажаги ривожи йўлидаги ўзига хос даъват мужассам. У нафақат болалар, балки мавзуга масъул кишиларга ҳам қаратилган бўлиб, бутун жамиятни ҳар доим безовта қилмоғи лозим. Зеро, китобхон халқ шижоатдан руҳ олиб, юксак марралар сари шаҳдам одимлайверади.

Мулоҳаза

Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида уч-тўрт яшарлик пайтида ўз давринг машҳур сўфий ва файласуф шоири Қосим Анворнинг тасаввуфий руҳдаги мазкур ғазалини ёд олганини ёзади.

Риндему ошиқему жаҳонсўзу
жома чок,
Бо давлати ғами ту зи
фикри жаҳон чи бок?

(Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен бу сўнгги матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди).

Китоб билан дўст тутиниш ва унга садоқат инсонни юксак чўққиларга олиб чиқишини Алишер Навоийдан кейин ҳам қатор алломалар ҳамда улуғ аждодларимиз эътироф этган.

Шу боис кейинги йилларда китобхон авлодни камолга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижросига қаратилган кенг кўламли ишлар йўлга қўйилди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси ҳам айнан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган. Бу тадбирларни амалга ошира бориб, ҳар бир ҳудудга бир миллион донадан илмий, бадиий, тарихий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб берилди.

Китоб ва китобхонликка юқори даражадаги бундай эътибор бежиз эмас. Мамлакатнинг эртанги куни, унинг эгаси бўлмиш ёш авлод маънавий олами, уларда ростгўйлик, мулоҳазакорлик, адолатпешалик, илгатларга муросасизлик, мантиқий фикрлай олиш каби фазилатларни тарбиялаш мутолаа билан узвий жараёндир. Зеро, китобга боғланган кўнгил беҳад улуғ маънавий озуқа олади. Унда яратилган образлар бахтидан қувонади, ташвиши, хато ва камчиликларидан изтироб чекади, одоб-ахлоқ ва тарбиясидан намуна, сабр ва матонатидан руҳий қувват олади.

Шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантиришда ота-онанинг ўрни, оила, мактаб, устозлар даврасининг аҳамиятини ҳам унутмаслик даркор. Бугун болалар тарбияси ҳар қачонгиданда долзарб бўлган бир пайтда барча кўргиликлар илдизини ҳар бир оила мутолаадан йироқлашганидан излаши керак.

— Биз китоб ва мутолаа тарбиясини олган авлодмиз, — дейди навоийлик шоира Салима Холдорова. — Бугунги авлод кўпроқ телефон ва ижтимоий тармоқларнинг тарбиясини олаётгани аччиқ ҳақиқат. Газеталардан мунажжим башорати, турли сканворд, криптограмма ва ҳоказони ахтаришади. Албатта, ҳаммаси демайман, лекин кўпчилиги. Бу табиийки, фикрий ялқовликка олиб келади. Мен кўкламнинг гўзаллигини, беғубор болалигим кечган қирғиз овуллари тароватини Чингиз Айтматов қиссаларидан топаман. Беихтиёр шу асарларнинг қаҳрамонига айланаман. Кўп йиллар аввал унутилган романтика пайдо бўлади дилимда. Буни менга интернет беролмайди. Ҳарфни, сўзни кўзга сингдириб ўқишнинг гашти бўлакча, шунда ўқиганингнинг “таъми”ни биласан, киши.

Дарҳақиқат, бугун ёшларимизнинг мутолаадан йироқлашгани бор гап. Ўзаро суҳбатлар ҳам қайсидир асар хусусида эмас, балки ижтимоий тармоқлардаги “шов-шув”лар, “тренд”лар, “хит”лар атрофида жонланади. Китоб тарғиботи, китобхонлик ва мутолаа ҳақида сўз очилгудек бўлса, минбарларда “Бир фарзандга уч китоб”, “Ҳар ҳафтада бир китоб”, “Мен севган китоб”, “Зукко китобхон”, “Китоб бизни бирлаштиради”, “Мактаб — оила — жамоат” ва ҳоказо танловлар, марафонлар, ғолиблар ва уларга берилган тўрт-беш хонали рақамдан иборат мукофотлар тилга олинади.

Афсуски, маҳаллий мутасаддилар китоб тақдим этиш, кутубхона хизмати сифати ва тарғиботини ошириш ўрнига китоб ўқиган китобхонларни зўрма-зўраки рағбатлантириш йўлига ўтиб олишди. Хўш, шу билан китобга муносабат ўзгардими?

— Мутолаа маданияти шаклланишида уч табаррук манзилнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Дилшод Мамаражабов. — Уларнинг биринчиси — оила, иккинчиси — кутубхона, учинчиси — таълим-тарбия тизими. Афсуски, муайян сабабларга кўра сўнгги йилларда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган эди. Китобхонга рағбат ҳам шу уч маскандан бошланса, оила ва мактабда мутолаа муҳити яратилса, ёшлар китоб билан дўстлашади, албатта. Шунингдек, китоб савдоси ва китобхонлик бўйича тадқиқотларни йўлга қўйиш, кутубхона, китоб нашри ва савдоси бўйича илмий асосланган дастурни ишлаб чиқиш фурсати етди. Яқинда “Энг кўп китоб ўқиган мамлакатлар” рўйхатининг 2023 йилги статистикасига кўзим тушди. Уйсиз аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган Ҳиндистон ушбу рўйхатни бошқармоқда. Ҳиндлар ҳафтасига ўртача ҳисобда 10 соат 42 дақиқа вақтини мутолаага бағишлар экан. Таассуфки, Ўзбекистон ушбу рўйхатдан ўрин ҳам ололмаган. Буни турлича хаспўшлаш мумкин. Лекин талаб ва таклиф ҳаммасини ҳал қилади, дейиш муаммога ечим эмас. Бу маънавий таназзулнинг асорати, холос ва у бирданига кўзга ташланмайди, лекин уни тузатиш ниҳоятда қийин кечади. Ўтган даврда мутолаадан йироқлашган авлод ўз хатоларидан хулоса чиқариши керак.

— Ўқувчилик давримизда, тахминан бундан эллик йил муқаддам, қишлоғимизда бирйўла учта кутубхона фаолият юритарди, — дея хотирлайди таълим фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Худойқул Раҳмонов. — Мазкур кутубхоналарнинг китоб фонди қанча бўлганини билмайману аммо ҳар учаласи ҳам бор-йўғи бир хонадан иборатлиги, полдан шифтга қадар тикланган жавонлар китобга тўлиб туриши ҳамон ёдимда. Ушбу кутубхоналарга кирган заҳоти димоққа уриладиган китоб ҳиди шу қадар бошқача эдики...

Қизиғи, мазкур кутубхоналарнинг ҳар учаласида ҳам кутубхоначи опаларимиз бирйўла икки ёки ундан ортиқ китоб беришмас, қайси китобни ким олгани ва қачон қайтариши лозимлигини ёддан билишарди. Демоқчи бўлганим, китобхонлик ва кутубхоначилик мўъжаз қишлоғимизда шу тахлит йўлга қўйилганди. Ҳозир қишлоғимизда учта дорихона, беш-олтита ошхона мавжуд. Балки улар ҳам керакдир, лекин кутубхоналарни, китоб дўконларини топиш амримаҳол ва китоб нашрини кўпайтиргани билан китобга меҳримиз шиддат билан ортиб бормаётгани хавотирга солади. Дунё тамаддуни тамал тошини қўйган миллат авлодининг мутолаадан йироқлашгани сабабини наҳот аниқлаш имкони бўлмаса?.. Хуллас, аввал ташхис қўйиш керак, кейин уни бартараф этиш йўлларини кўриш мумкин.

> Нафсиламрини айтганда, мутолаага ҳар ким ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб вақт ажратади. Қолаверса, нега китоб ўқимайсан, деб бировнинг ёқасидан тутишни замон ҳам кўтармайди. Шу боис кўчада китоб ўқиётган одамни учратмаганимизни мутолаага эҳтиёж сусайган деб қабул қилмаслик лозим.
>
> Киши дорихона ёки ошхонага жисмоний эҳтиёж, китоб дўкони ёки кутубхонага маънавий эҳтиёжини қаноатлантириш, руҳий тетиклик олиш учун йўл олади. Бугун электрон нашрлар хусусида кўп баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Албатта, унинг ривожланишига ҳам ҳеч қандай шубҳа ва эътироз йўқ. Лекин электрон кўринишдаги асарларни ўқиш, айниқса, бадиий асарларни мутолаа қилиш ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам ҳали мақтайдиган даражада эмас. Қолаверса, китоб муқовадан, мутолаа қўлга қалам тутишдан бошланади. Асосийси, китобга боғланган кўнгил ҳар қандай имога эргашиб кетавермайди.
>
> **Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ УЧУН ҚАЙҒУРГАН ЖАДИД

Бухорони ўз шахсий маблағи эвазига тоза ичимлик суви билан таъминламоқчи бўлган маърифатпарвар ҳақида эшитганмисиз?

Гап шундаки, ўтган аср бошларида Бухорода ришта касаллиги авж олган. Ўшанда, аниқроғи, юрт талатўплар гирдобида қолган 20-йилларда бу касаллик манбаи шаҳар ҳовузларидаги ифлосланган сув эканлиги аниқланади.

Бундай ҳолатда муаммони бартараф этишнинг ягона йўли водопровод тармоғини тортиш орқали шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш эди.



Аммо эндигина тетапоя қадамлар қўяётган Бухоро Халқ республикаси (1920 — 1924 йиллар) бу юмушни бажариш салоҳиятига эга бўлмаган. Қолаверса, чўян, темир қувурлар анқонинг уруғи эди.

Шунда Бухоро жадидларининг энг фаолларидан бўлмиш шоир Мунзим (Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов) шахсий ташаббус билан чиқади. У ўз ҳисобидан шаҳарни водопроводлаштирмоқчи бўлади. Шу мақсадда каттагина жамғармасини сарфлаб, кулолларга уч минг дона сопол қувур тайёрлатади. Мунзимнинг дўсти, сафдоши, атоқли адиб Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” асарида қайд этилишича, бу қувурлар ҳар бирининг узунлиги бир метр, диаметри 25 сантиметр, қалинлиги эса икки сантиметр бўлган. Ўша пайтдаги ҳукуматда соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаб турган Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов ўз ғоясини амалга оширмоқ умидида Когон шаҳрига бориб, паровоз ремонт қилиш депосида ишлайдиган, шу соҳани дуруст биладиган муҳандисга учрайди.

“Мунзим... шу қувурлар орқали Зарафшон дарёсидан сув оқизиб келишни мўлжаллайди, — дея ёзади Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Сулаймон Иноятов бу маърифатпарвар инсон ҳақидаги мақолаларидан бирида. — Шаҳар яқинида сув ҳавзаси қазишни ҳам ҳисобга олади. Агар қувурлар камлик қилса, оғайниларидан қарз олиб, бу ишни бажаришни хаёлидан ўтказади”.

Аммо муҳандиснинг илмий асосланган сўзлари, қолаверса, унинг ниятидан воқиф бўлган Садриддин Айнийнинг далиллари Мирзо Абдулвоҳидни бу фикридан қайтаради. Негаки, мантиқан олиб қараганда, сополдан тайёрлангани темир қувур ўрнини босолмас, сув зарбига тоб беролмасди. Шунга қарамасдан маърифатпарвар бу инсоннинг ўша оғир дамларда халққа хайрихоҳ бўлгани, эл саломатлигини ўйлагани таҳсинга сазовор, албатта.

Айтмоқчи, орадан бир қанча вақт ўтиб, Мирзо Абдулвоҳиднинг орзу-умидлари ушалди. Шаҳар аҳолиси бошига ришта балосини келтирган ҳовузлар сувидан истеъмол қилишга барҳам берилиб, ҳудуднинг санитария аҳволи яхшиланди. 1927 — 1929 йилларда таниқли архитектор Владимир Шухов лойиҳаси асосида Арк кўрғони рўпарасида 40 метрли сув минораси барпо этилди. Бу иншоотдан 1968 йилга қадар фойдаланилди. Беш йилча муқаддам бу жой француз сармоядорлари иштирокидаги бунёдкорлик юмушларидан кейин сайёҳлар ташриф буюрадиган масканга айлантирилди.

Мирзо Абдулвоҳид Бурҳоновга келсак, бу фидойи инсоннинг серқирра фаолияти ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Биз, бу ўринда, унинг Бухорода янги усулдаги мактаб очиш ташаббускорларидан экани, ўтган асрнинг 20-йилларида бухоролик ёшларни Германияга ўқишга юборишга бош-қош бўлгани, шоирлиги, ноширлиги, журналистлигини айтиш билан чекланмоқчимиз.

Маърифатпарвар юртдошимиз хасталик туфайли 1934 йилда Душанбе шаҳрида вафот этади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ФАРМОН ВА ИЖРО

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАЛАРИНИ ТЕЗ ФУРСАТДА ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ

Фарғона шаҳрида Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази вилоят бўлимининг янги биноси очилди.

Ушбу бўлимда ўтказиладиган экспертиза турлари 17 тадан 24 тага, тадқиқот турлари эса 19 тадан 38 тага оширилади.

Муҳим янгиликлардан бири — Фарғонада ҳам одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш имконияти яратилди.

Гап шундаки, водий вилоятларида фаолият юритувчи суд-тергов органлари томонидан одам ДНКси бўйича бир йилда ўртача 500 та суд-биологик экспертиза тайинланган бўлиб, ушбу ҳолатда 2,5 мингдан ортиқ фуқароларнинг пойтахтга боришига тўғри келар эди. Яъни ушбу экспертизага оид тадқиқотлар фақат Тошкент шаҳрида ўтказилиши кўплаб фуқароларни ортиқча сарф-харажат ва оворагарчиликларга олиб келар эди.

Бу каби мисолларни бошқа экспертиза турларида ҳам кўриш мумкин.

“Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида бу каби муаммоларни бартараф этиш ҳамда фуқароларимизга қулайликлар яратиш мақсадида Фарғона, Термиз, Урганч шаҳарларида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда Самарқанд шаҳрида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ва материаллар, ашёлар ҳамда буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини босқичма-босқич ташкил қилиш белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси 2022 йилда очилган бўлса, 2023 йилда бундай лаборатория фаолияти Хоразм вилоятида ҳам йўлга қўйилди.

Бу орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш, тез фурсатда суд экспертизаси хулосаларини олиш, жиноятчиликни қисқа муддатларда фош этишга шароит яратилди.

«Халқ сўзи».

ПОЛВОНЛАР ЮРТИДАН НОМДОР БОКСЧИЛАР ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

Мамлакатимизда энг ривожланган спорт турларидан бири — бокс. Бу боксчиларимизнинг XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида қайд этган юксак натижаларига қараб айтилаётган фикр эмас. Шу кунгача ҳам юртимиздан кўплаб номдор боксчилар етишиб чиққани бунинг исботи.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан иқтидорли ёш боксчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш, мусобақаларга юқори даражада тайёрлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқдаки, натижада ўзбек боксининг шуҳрати янада юксалиб боряпти. Бугун ҳаваскор ва профессионал боксда бир эмас, ўнлаб спортчиларимиз ўз вазн тоифасида дунёнинг энг кучли боксчилари сафида эътироф этилаётир.

ХОЛИС НАЗАР

Эътиборга молик жиҳати, ушбу боксчиларнинг аксарияти Бухоро, Тошкент, Хоразм ҳамда водий бокс мактабларида камол топган. Демакки, ушбу ҳудудларда бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилган. Натижалар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Бироқ айрим вилоятлардан сўнгги чорак аср давомида бирорта ҳам номдор боксчи чиққани йўқ. Ваҳоланки, ушбу ҳудудларда ҳам етарли шарт-шароитлар яратилган. Юзлаб мураббийлар ёшларни бокс билан шуғуллантирмоқда. Лекин негадир натижалар кутилганидек эмас.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятини олайлик. Азал-азалдан полвонлар юрти сифатида ном таратган воҳадан сўнгги 15 — 20 йил давомида ўз вазнида яққол етакчи бўлган бирорта ҳам боксчи етишиб чиқмади. Хўш, нега? Нима учун Қашқадарёда бокс билан шуғулланаётган ёшлар кўпу натижа мақтагулик эмас?

Вилоятдаги бокс мактаблари, тўгараклар фаолиятини ўрганиш жараёнида мураббийлар, мутасаддилар, спортчи ёшларнинг фикрларини эшитдик. Сўнгги йилларда қашқадарёлик ёш боксчилар қатнашган мусобақалар, қўлга киритилган ютуқлар билан қизиқдик.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилдан буён қашқадарёлик боксчилар эришган энг ёрқин натижа китоблик Райҳона Қодированинг “Токио — 2020” ёзги Олимпия ўйинларидаги иштироки экан.

Ҳақиқатан, ўша Олимпия ўйинларида 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Райҳона жуда чиройли жанглар ўтказган, аммо чорак финалда бразилиялик Беатриз Феррейрага имкониятни бой бериб қўйган эди.

75 килограмм вазн тоифасида рингга чиқадиган яна бир боксчи қиз — Мавлуда Мавлонова 2021 йилда ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган.

Ўғил болалар ўртасида 71 килограмм вазн тоифасида рингга чиқадиган иқтидорли боксчи Азизбек Тожиевнинг натижалари ҳам ёмон эмас. У бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган. 2022 йилда Тошкент шаҳрида бокс бўйича 22 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг олтин медалини қўлга киритган. Бугунги кунда кўпчилик мураббийлар Азизбек Тожиевнинг имкониятларини юқори баҳоламоқда.

— Париж шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларига йўлланма олишим мумкин эди, — дейди А. Тожиев. — Шунинг учун кўп ҳаракат қилгандим. Бироқ бир йил аввал саломатлигим панд бергани туфайли даволанишимга тўғри келди. Муолажадаги дорилар таркибида боксда тақиқланадиган модда бор экан. Буни билмаганман. Ўтказилган допинг-назоратда шу нарса маълум бўлгач, 2025 йилга қадар дисквалификация қилиндим. Ҳозир Қозон шаҳрида машғулотларни давом эттиряпман. Келгусида Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида юқори натижаларни қўлга киритиш мақсадим бор.

Бундан ташқари, қашқадарёлик бир нечта боксчилар турли йилларда бўлиб ўтган жаҳон ва Осиё чемпионатларида иккинчи, учинчи ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Кўп марта Ўзбекистон чемпиони бўлган йигит-қизлар бор.

Албатта, ушбу натижалар ҳам осон қўлга киритилмаган. Уларнинг ортида спортчилар ва мураббийларнинг йиллар давомида қилган меҳнати, чеккан машаққатлари натижаси мужассам. Бироқ бугунги кунда вилоятдаги фақат давлат томонидан молиялаштириладиган спорт муассасаларининг ўзида 45 нафар мураббий ёшларни бокс билан шуғулланти-раётгани, 2 минг 400 нафарга яқин ёшлар мунтазам машғулотларда иштирок этаётганини инобатга олсак, бу анча кам кўрсаткич экани аёнлашади.

— Тўғри, натижаларимиз мақтагулик эмас, — дейди Ўзбекистон бокс федерацияси Қашқадарё вилояти бўлими ижрочи директори Жаҳонгир Аннаев. — Бу кўп йиллар давомида вилоятда ушбу спорт турига эътибор қаратилмагани, ҳудудда спорт мусобақалари тизимли ташкил-лаштирилмагани билан боғлиқ. 2021 йилда Қарши шаҳар ҳокими Нормўмин Холбоев Ўзбекистон бокс федерацияси Қашқадарё вилояти бўлими раиси, мен эса ижрочи директори этиб тайинланган эдик. Олдимизга вилоятда бокс спорт турини оммалаштириш вазифаси қўйилган. Ҳозир бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, шунга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада бир қатор натижаларга эришяпмиз ҳам. Масалан, 2021 йилда Қашқадарё вилояти мамлакатимиз ҳудудлари ичида бокс спорт туридаги умумий кўрсаткичлар бўйича 13-ўринда эди, ҳозир 8-ўринга кўтарилдик. Ва бу билан чекланиб қолмаймиз, бунга имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади.

Жаҳонгир Аннаевнинг айтишича, ёш боксчиларнинг ривожланиши, тобланиши учун, аввало, ҳақиқий ринг, кучли мусобақалар, кучли спарринг рақиблар керак. Кўп йиллар давомида вилоятда бундай мусобақалар ўтказилмай қўйган эди. Сўнгги йилларда эса Қашқадарёда ҳам нуфузли бокс турнирларини ташкил этиш анъана тусини олмоқда. Бу мусобақалар кўплаб умидли спортчиларни кашф қилмоқда. Яқин йиллар ичида Қашқадарёдан ҳам нуфузли мусобақаларда Ватанимиз номини юксакка кўтарадиган забардаст боксчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

Аслида, бизни бу борада мулоҳазага, таҳлилга чорлаган нарса ҳам шу — вилоятда бокснинг ривожланиши, қашқадарёлик ёшларнинг ҳам дунё ареналарини забт этиши истагидир. Зеро, ушбу спорт турининг янада юксалиши учун барча ҳудуддаги бокс мактаблари ҳам бирдек фаоллик кўрсатиши зарур.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Хорижга чиқиш биометрик паспортини почта орқали етказиб бериш хизмати йўлга қўйилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6